

Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна,
педагогика фанлари доктори, доцент, Тошкент
давлат юридик университети "Умумтаълим
фанлар ва маданият" кафедраси доценти

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

УДК: 378.147

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_8_2](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_8_2)

АЛЛАЯРОВА С.Н. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтириш олий таълим ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Билим манбалари ҳажми, сунъий интеллектдан фойдаланиш ошиб бораётган бугунги кунда бетакрор янги ғоя ва маҳсулотларни яратишда илмий тадқиқот олиб бориш долзарблигича қолмоқда. Мақолада олий таълим ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган таълим асосида талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш имкониятлари "Илмий тадқиқот методологияси" фани мисолида ўрганилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: шахсга йўналтирилган таълим, таълим дастури, тадқиқотчилик малакалари, илмий тадқиқот методологияси, илмий фаолият, олий таълим.

АЛЛАЯРОВА С.Н. РАЗВИТИЕ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ

Направление студентов на научно-исследовательскую деятельность является неотъемлемой частью учебного процесса высшего образования. В условиях роста объема источников знаний и использования искусственного интеллекта проведение научных исследований для создания уникальных новых идей и продуктов остается актуальным. В статье на примере дисциплины «Методология научных исследований» изучены возможности развития исследовательских навыков у студентов на основе личностно-ориентированного обучения в учебном процессе высшего образования.

Ключевые слова и понятия: личностно-ориентированное обучение, учебная программа, исследовательские навыки, методология научных исследований, научная деятельность, высшее образование.

ALLAYAROVA S.N. DEVELOPING STUDENTS' RESEARCH SKILLS THROUGH LEARNER- CENTERED EDUCATION

Guiding students toward scientific research activity is an integral part of the higher education learning process. In today's context-characterized by the growing volume of information sources and the expanding use of artificial intelligence-conducting scientific research remains essential for generating unique new ideas and products. This article explores the opportunities for developing students' research skills through learner-centered education within the framework of the subject «Methodology of Scientific Research» in higher education.

Key words and concepts: learner-centered education, curriculum, research skills, research methodology, scientific activity, higher education.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири — бўлажак мутахассисларда касбий ва илмий ривожланиш асос бўлган тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдир. Жаҳон педагогик тажрибасида ўқув фаолияти давомида тадқиқотчилик малакаларини шакллантириш механизмлари таълим сифатини оширувчи омиллардан бири сифатида қаралади¹. Бир қатор мутахассислар ушбу кўникмалар муваффақиятли ўқитувчининг академик мартабага эга бўлиши ҳамда касбий ривожланиши учун жуда муҳим эканлигини таъкидлайдилар².

Илғор тажрибаларни ўрганар эканмиз, марказида талаба бўлган (*Student-centered teaching*) шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришда ижобий натижа беришини гувоҳи бўлдик. Таъкидлаш лозимки, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари замонавий педагогик парадигмаларнинг методик асосидир. Бугунги дунёда ахборот ва билимлар қисқа муддатларда янгиланмоқда. Тадқиқотчилик кўникмалари «эскириб» бораётган (бошқача айтганда, талаб ва эҳтиёж камайиб бораётган) касб эгаларининг янги малакаларни ўзлаштиришлари учун муҳим имконият. Бундан ташқари, рақобатдош мутахассис бўлиш учун ҳам, аввало, тадқиқотчи бўлиш талаб этилади. Биз мана шу кўникмаларни олий таълимда тўлиқ шакллантиришга эришишимиз лозим. Талабаларнинг ўқув жараёни билан биргаликда илмий тадқиқот фаолияти олиб боришлари бугунги кун учун янгилик эмас, бироқ ҳаммада ҳам шу кўникмалар бор, дея олмаймиз. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу тадқиқотимизда илмий фаолият асосида олий таълим битирувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш таҳлилига эътибор қаратилади.

Мақоланинг мақсади – шахсга йўналтирилган ўқитиш асосида талабаларда мутахассислик доирасида илмий тадқиқот

олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш методикасини Илмий тадқиқот методологияси фани мисолида асослаб бериш.

Илмий янгилиги – мақолада магистратура босқичида Илмий тадқиқот методологияси фанини лойиҳага асосланган ўқитиш воситасида талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш мазмунини ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мақолага асос бўлган тадқиқот натижаларидан олий таълим ўқув жараёнида ҳамда мавзуга оид илмий-тадқиқот ишларини ёзишда фойдаланиш мумкин³

Асосий қисм.

Адабиётлар шарҳи. Мавзуга оид илмий ишларни ўрганганимизда таълим олиш жараёнида илмий тадқиқот фаолиятига жалб этилган битирувчиларнинг натижалари бошқа мутахассисларга нисбатан юқори эканлигини таъкидланмоқда⁴. Яна бир қатор мутахассислар ОТМда таълим олиш даврида илмий лойиҳаларда иштирок этган талабаларнинг ўқитувчи-устозлар билан ҳамкорлик қилиши осон ва маҳсулдор бўлишини таъкидлаб, аксарият ҳолларда бундай талабалар келажакда ўз фаолиятларини академик карьера билан боғлайди⁵. Табиий фанлар йўналишида тадқиқот олиб борган олим Лопаттонинг таъкидлашича, университетда таҳсил олиш давомида илмий лабораториялар фаолиятида, конференция ва илмий семинарларда фаол иштирок этадиган талабаларнинг профессионал муваффақиятлари таълимнинг дастлабки

³ Аллаярова С.Н. Талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришнинг инновацион механизмлари. Докторлик диссер. Автореферати. –ТерДУ, 2023. –62 б. <https://library.ziyonet.uz/book/126574>

⁴ Yarullin, I. F., Bushmeleva, N. A., & Tsyrukun, I. I. (2015). The Researсh Competence Development of Students Trained In Mathematissal Direction. International Eletronis Journal of Mathematiss Edusation, 10(3), 137-146. <https://doi.org/10.29333/iejme/296>

Davis H, Evans E and Hiskey M 2006 Journal of Higher Edusation Polisy and Management 28 231–244.

Shaw K, Holbrook A and Bourke S 2011 Studiyes in Higher Edusation 10 1–17.

Gregerman S R, Lerner J S, Hippel W, Jonides J and Nagda B A 1998 Reviyew of Higher Edusation 22 55–72.

⁵ Elgren T., Hensel N. Undergraduate research experiyences: Synergiyes betweyen scholarship and teaching //Peer Reviyew. – 2006. – Т. 8. – №. 1. – С. 4-8.

¹ Yarullin, I. F., Bushmeleva, N. A., & Tsyrukun, I. I. (2015). The Researсh Competence Development of Students Trained In Mathematissal Direction. International Eletronis Journal of Mathematiss Edusation, 10(3), 137-146. <https://doi.org/10.29333/iejme/296>

² Davis H, Evans E and Hiskey M 2006 Journal of Higher Edusation Polisy and Management 28 231–244.

Shaw K, Holbrook A and Bourke S 2011 Studiyes in Higher Edusation 10 1–17.

давридаёқ кўзга ташланади¹. Бу эса талабаларнинг биринчи босқичидан талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг қанчалик муҳимлиги ва тўғрилигини исботлайди².

Шу соҳада олиб борилган тадқиқотларни ўрганар эканмиз, Manchester Metropolitan University университетининг “Чакана савдо ва маркетинг” департаментида ўтказилган тадқиқотлар ҳақида тўхталиш ўринли³. Ушбу таълим муассасаси олиб борган эмпирик тадқиқотлар талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига жалб қилишда шахсга (талабага) йўналтирилган ўқув ёндашувининг афзалликларини, ўқитиш маданиятини ривожлантиришнинг асосий элементларини, тадқиқот лойиҳаларини самарали бошқариш усуллари аниқлашга қаратилган⁴. Олиб борилган изланишлардан олий таълим муассасасида ўқув ва илмий фаолият ўртасидаги мувозанатни бирхилликда сақлаш орқали юқори натижаларга эришиш мумкинлиги эътироф этилган. Таъкидлаш лозимки, республикамиздаги олий таълим фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, биз бакалавр ва магистрантларни фақат «ўқитиш» билан банд бўлиб қолмоқдамиз ва бунинг оқибатида битирувчиларимиз касбий кўникма ва малакаларининг етарли эмаслигидан иш берувчи ташкилотларнинг талабига жавоб беролмай қолмоқда. Шу сабабдан ҳам таълим бериш жараёнида талабаларга ўқиш билан бирга тадқиқот олиб бориш малакаларини ҳам тўлиқ ўзлаштириш имкониятини яратиш лозим. Ваҳоланки, бу ўтган асрнинг 70 йилларидаги олий таълимга қўйилган талаб – «Университет 2.0» моделининг мақсади. Биз эса, ҳанузгача барча ОТМларда шу талабнинг ижросига эриша олмадик. Ушбу мавзуга оид изланишлар биз-

нинг бир қатор олдинги тадқиқотларимизда ҳам ўрганилган⁵.

Шахсга йўналтирилган таълим (*Student-centered teaching*) Олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг самарали механизмларини ўрганар эканмиз, бунда талабага йўналтирилган ўқув режаси (*student-centered syllabus*) орқали ўқишни ташкил этиш тажрибаси эътиборимизни тортди. АҚШнинг University of Pennsylvania университети томонидан ўқув жараёнида татбиқ этилган ушбу ёндашув талабаларнинг ўз устидарида масъулият билан тинимсиз ишлаш, мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берганлигини таъкидлайди⁶. Кредит-модуль тизимида талаба — таълимнинг марказий таркибий қисми саналади. Бунда ҳар бир талабанинг ўз ўқув режаси – таълим олиш траекторияси шакллантирилади. Талабага йўналтирилган ўқув дастури эса, мана шу траекториянинг модуллар кесимидаги мазмуни ва ўзлаштириш кетма-кетлигини таъминлаб беради. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари борасида кўплаб муваффақиятли тадқиқотлар олиб борилган⁷. Тадқиқотчилар талабага йўналтирилган ва ушбу вазиятга асосланган ўқув дастурини лойиҳалашнинг долзарблигини асослайдилар, чунки бу дастур анъанавий ўқув дастуридан нафақат мазмуни, балки ташкил этилиш механизмига кўра ҳам фарқ қилади. Ўқув дастурида эътибор ўқитувчи томонидан «Биз нимани ўргатишимиз керак?» деган масаладан “*Биз ўргатишнинг қандай усулини танласак талабаларнинг мустақил билим олиши ва интеллектуал ривожланишига ҳисса қўша оламиз?*” мазмундаги вазифа қўйилади. Шунинг учун, бундай ўқув дастури анъанавий ўқув дастури билан деярли бир хил маълумотларни ўз ичига олсада,

¹ Lopatto D. Survey of Undergraduate Research Experiences (SURE): first findings. Cell Biol Educ. 2004 Winter;3(4):270-7. doi: 10.1187/cbe.04-07-0045. PMID: 15592600; PMCID: PMC533131.

² Healey R L and Daviyes C 2019 Higher Education Research and Development 38 1386–1400

³ https://www.unipage.net/ru/10290/the_manchester_metropolitan_university

⁴ Sshmidt R A, Jones P, Bennison D and Daviyes B J 1994 Journal of Further and Higher Education 18. 75–84.

⁵ Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна. Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг долзарб масалалари. // “Замонавий таълим - Современное образование” илмий-амалий оммабоп журнали (Ўзбекистан), 2021, (5 (102)), 17-25.

⁶ <https://ste.psu.edu/teaching-learning/teaching-tips/student-centered-syllabus/>

⁷ Saragih S and Napitupulu E 2015 International Education Studies 8;

Vlasenko K, Chumak O, Sitak I, Kalashnykova T and Ashkan V 2020 Universal Journal of Educational Research 8 362–370.; Abdous M and He W 2008 Journal of Interactive Learning Research 19 541–550.

ўқитиш усуллари, методик ёндашувлари билан кескин фарқ қилади. Талабани мустақил ўқиб-ўрганишга йўналтирувчи методика дастурнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади ва талабада тадқиқотчилик малакаларини шакллантиради.

Шахсга йўналтирилган таълим — бу таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг индивидуал эҳтиёжлари, қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олиб ташкил этилган таълим туридир. Унда ўқувчи фаол иштирок этар, ўрганиш темпи ва мазмуни унинг шахсий хусусиятларига мослаштирилади, шу билан ҳар бир ўқувчининг салоҳиятини максимал ривожлантиришга эришилади.

Шахсга йўналтирилган таълим шахсга йўналтирилган ўқув дастури орқали амалга оширилади. Шахсга йўналтирилган ўқув дастурида ўқитувчи томонидан талабанинг интеллектуал имкониятлари билан бир қаторда руҳий, ҳиссий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади¹. Ижобий кайфият ва самимий муҳит – таълимнинг ажралмас қисмидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шахсга йўналтирилмаган ўқув дастури ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро самарали муносабатларига тўсқинлик қилади, ўқув жараёнининг умумий сифатини пасайтиради². Одатда, талабаларнинг ўқув дастури бўйича биринчи таассуротлари жуда чуқур таъсирга эга бўлиб, курс давомида сақланиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги мулоқотнинг дастлабки босқичида ўқитиш тўлиқ талабага йўналтирилган бўлиши ва аввалдан ижобий таассурот қолдириш жуда муҳимдир. Бу ҳам шахсга йўналтирилган ўқув дастурининг ўзига хосликларидан бири.

Мавзуга оид манбаларни ўрганар эканмиз Harrington, Richmond, Morgan ва бошқа олимлар ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ва ўзаро муносабатларни яхшилашга, ўқувчиларда мотивацияни оширишга ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшадиган талабага йўналтирилган ўқув дастурини (*student-centred syllabus*) ишлаб чиқиш зарурлигини асос-

лайди³. «Талабага йўналтирилган ўқув дастури» бўйича ўқув фаолиятига ҳамроҳлик қилиш ҳамкорликни, расмий баҳолаш учун кўплаб имкониятларни ва таълим натижаларига эгаллик қилишни таъминлайдиган турли интерфаол тадбирлар орқали ўқувчиларни ўқув жараёнида фаолроқ бўлишга ундайди.

Ўрганилган манбалардан маълум бўлдики, ўқув жараёнидаги самимий муҳит таълим сифатини ошишига бошқа ташқи омиллардан ҳам кўра кўпроқ таъсир кўрсатади. Хусусан, талабаларнинг илмий, профессионал имкониятларини рўёбга чиқариш самимий, очиқ ва ошкора бўлишни тақозо этадиган уйғунлик муҳитида содир бўлади⁴. Бу ўқув жараёнига ҳурмат ва мутлақ ижобий муносабатга асосланган, бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш, уларга ҳамдард бўлишни, яъни эмпатик қабул қилишни англатади.

Ўқув йилининг дастлабки вақтидан талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш мақсадида модулнинг мазмуний контентини тайёрлаш билан бирга, семестр давомида ўқув жараёнини ўқитувчи-талаба ўзаро мулоқотига (feedback) таянган ҳолда ташкил этиш лозим. Бунинг учун аудитория (face to face) машғулоти билан биргаликда масофали-онлайн мулоқотга асосланган ўқитиш, доимий мулоқот муҳитини ташкил этиш талаб қилинади. Масофали инфратузилма талабанинг мустақил таълим олиш жараёнида пайдо бўладиган саволларига жавоб олиш, муаммоли вазиятларда маслаҳат олиш, тажрибалар билан бўлишиш учун зарур. Йўналиш ва мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб мулоқот алмашиш воситаси турлича бўлиши мумкин. Ўқитувчи модулни ўтиш давомида талабалар томонидан берилган саволлар, таклифлар асосида ўқитиш сифатини ошириш мақсадида талабанинг истак ва эътирозларини доимий равишда эътиборга олиши ва

³ Harnish R. J. and Bridges K. R. 2011 Sosial Psyshology of Edusation 14, 319–330.; Harrington, C. M., & Gabert-Quillen, C. A. (2015). Syllabus length and use of images: An empirisal investigation of student perseptions. Ssholarship of Teashing and Learning in Psyshology, 1(3), 235–243. <https://doi.org/10.1037/stl0000040>; Rishmond A. S., Morgan R. K., Slaterry J. M., Mitchell N. G. and Cooper A. G. 2019 Teashing of Psyshology 46, 6–15.

⁴ Motsshnig-Pitrik R., Santos A. M. The person sentered approach to teashing and learning as exemplified in a source in organizational development //Zeitschrift für Hoshshuldidaktik (ZHD). – 2006. – Т. 4. – №.1.

² Abdous, M. & He, W. (2008). A Design Framework for Syllabus Generator. Journal of Interastive Learning Research, 19(4), -p.542.

ўқитиш сифатини такомиллаштириб бориши лозим. Шахсга йўналтирилган ўқув дастури асосида таълимни ташкил этиш ўқитувчидан аудитория соатларидан кўра кўпроқ вақт талаб қилади. Модуль (фан, курс)ни ўзлаштиришда талабаларга индивидуал маслаҳатлар бериш, бажарилган ишларни текшириш ва саволларга жавоб бериш каби вазифалар ўқитувчидан вақт ва профессионаллик талаб қилади. Мустақил таълимнинг бу жиҳатларини ОТМга ҳисобга олиши ва ўқитувчи юкмасига киритиши лозим (лекин бу жиҳат республикаимизда давлат ОТМларида йўлга қўйилмаган).

Илмий тадқиқот методологияси фани доирасида тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш.

Шахс (талаба)га йўналтирилган ўқув дастурлари бўйича илғор тажрибаларни ўрганар эканмиз, мавзумиз доирасида, яъни талабаларнинг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришда ўқув жараёнига қандай ёндашув ёки методикани қўлласак таълим сифатини оширишга ҳисса қўша оламиз, деган масалага эътибор қаратдик. Шундан келиб чиқиб, педагогик фаолиятимиз тажрибасига таянган ҳолда магистратура мутахассислигида асосий фанлар блокида ўқитиладиган «Илмий тадқиқот методологияси» фани бўйича талабанинг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган методика ишлаб чиқилди. Методика мазмунини ҳар бир магистрант билан модуль мазмунини ўзлаштириш учун семестр давомида индивидуал ишлаш орқали илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш ташкил қилади. Ушбу методика қуйидаги ОТМларда тажрибасинов тариқасида синовдан ўтказилди: Ўзбекистон Миллий университети, Урганч Давлат университети ҳамда Андижон Давлат университети ва Тошкент давлат юридик университети.

Методикани қўллаш учун назорат ва тажриба гуруҳлари ажратиб олинди. Методика модулнинг амалий машғулотларини олиб боришда қўлланишга мўлжалланган. Унинг асосий жиҳатларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Методиканинг мақсади – индивидуал билим ва кўникмаларни ҳисобга олган ҳолда талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш.

Методиканинг мазмуни ва амалга ошириш кетма-кетлиги ўқув самарадорлигини таъминлайди. Фан мазмунини ўзлаштириш мустақил таълимга асосланади. Ўқитувчининг вазифаси машғулотларда қўйилган масалаларга ечим топишга талабани йўналтириш, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини мунтазам ташҳислаб бориш, ривожлантириш, таълим жараёнини бошқариш ва баҳолаш кабилардан иборат. «Илмий тадқиқот методологияси» фанини ўқитишни аралаш таълим (blended learning) шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бунда маъруза машғулотлари масофавий, амалий машғулотлар анъанавий (face to face) шаклида олиб борилади (модулни аралаш таълим шаклида ўтиш Тошкент давлат юридик университетида қўлланилган).

Амалдаги ўқитиш методикасидан фарқи – ҳар бир машғулотда магистрлик диссертациясининг муайян қисмлари ишлаб чиқилади, семестр якунигача ЎЗР Магистратура тўғрисидаги Низомнинг тегишли талаблари бажарилади.

Машғулотлар мазмунида мустақил таълим олиш кўникмалари кўпроқ амалий машғулотларда намоён бўлишини эътиборга олиб, қуйида ҳар бир амалий машғулотда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар келтирилди¹.

Бажарилган ҳар бир ёзма топшириқ ижроси ўқитувчи томонидан индивидуал текширилади. Табиийки, бу ҳолат ҳозирги тизимда ўқитувчи юкмасининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Бироқ кредит тизимида илмий даража ва унвонга эга профессор-ўқитувчининг йиллик ўқув юкмасининг катта эмаслиги ҳамда ҳар бир вазифанинг текширилишини ўқув юкмасига киритилишини эътиборга олсак фан ўқитувчисининг талабалар билан индивидуал ишлашга вақт ва имконияти етарли бўлади.

Методиканинг ўзига хослиги шундаки, талаба амалий машғулотлардаги ҳар ҳафталик вазифаларни бажариш орқали биринчи оралик назоратнинг таркибий қисмларини тайёрлашга муваффақ бўлади. Масалан, мутахассисликнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаш, соҳадаги глобал, минтақавий, маҳаллий муам-

¹ Изоҳ: талаба томонидан бажариладиган ҳар бир вазифа Ўзбекистон Республикаси магистратура тўғрисидаги Низомда келтирилган диссертацияни расмийлаштиришнинг техник талабларига мувофиқ тақдим этилади.

1-жадвал. Амалий машғулотлар вазифалари

№	Амалий машғулот мавзуси	Бажариладиган вазифа	Бажариш шакли	Муддат/хфта	Соат
1	Илмий тадқиқот методологияси асослари	Модуль мазмунини, мақсади ва вазифаларини ўзлаштириш.	Оғзаки	2-хфта	2
2	Илмий тадқиқот олиб боришнинг замонавий тенденциялари	Мутахассисликнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаш (миллий, минтақавий, халқаро миқёсида).	Ёзма	3-хфта	2
3	Муаммо ва илмий муаммо. Тадқиқот мавзусини шакллантириш	Мутахассисликка оид муаммоларни аниқлаш, муҳимлилик даражасига кўра ажратиш. Амалий муаммодан илмий муаммони ишлаб чиқиш. Илмий муаммо асосида тадқиқот мавзусини шакллантириш.	Ёзма	4-хфта	2
4	Илмий тадқиқот дастури	Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини аниқлаш.	Ёзма	5-хфта	2
5	Илмий тадқиқот типлари	Мавзу асосида тадқиқот типини аниқлаш, кутилаётган натижаларни гипотетик тавсифлаш. Тадқиқотнинг ишчи гипотезасини ишлаб чиқиш.	Ёзма	6-хфта	2
6	Тадқиқот методлари	Тадқиқотнинг эмпирик ва назарий босқичида фойдаланиладиган методларни аниқлаш ва тавсифлаш.	Ёзма	7-хфта	2
7	Мавзунинг ўрганилганлик даражасини шакллантириш (адабиётлар шарҳи)	Тадқиқотнинг таянч тушунчалари аниқлаш. Таянч тушунчалар орқали қидирув тизимларидан мавзуга оид манбаларни топиш (камида 10 та илмий мақола, 10 та диссертация автореферати, 10 та монография). Адабиётлар шарҳи формасини тўлдириш.	Ёзма	8, 9-хфта	2
8	Маълумотлар базалари билан ишлаш: Scopus, Google Scholar, Web of Science	Scopus, Google Scholar, Web of Science ва бошқа (мутахассисликка оид) илмий платформалардан мавзуга тегишли манбаларни юклаб олиш, уларни тавсифлаш. Илмий базаларда профиль очиш ва профильни бойитиш.	Ёзма	10-хфта	2
9	Магистрлик диссертациясига қўйиладиган умумий талаблар	Диссертациянинг таркибий қисмларини шакллантириш: кириш қисми, кенгайтирилган режа – боб ва параграфлар, гипотетик хулоса, адабиётлар ва манбалар.	Ёзма	11-хфта	2
10	Илмий мақола ва тезис – мустақил тадқиқот натижаси	Илмий мақола ёзиш ва нашр эттириш.	Ёзма, босма	Семестр давомида ва 12-хфта	2
11	Илмий тадқиқот ва инновация	Тадқиқот асосида стартап (амалий) лойиҳалар тайёрлаш. Интеллектуал мулкни муҳофазалаш (патент, гувоҳнома) механизмлари. Тадқиқотнинг аннотациясини ишлаб чиқиш.	Ёзма. Амалий	13-хфта	2
Жами соат					22

моларни англай олиш танланиши кутилаётган диссертация мавзусининг долзарблигини асослашга далил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, тўртинчи ҳафтада бажарилиши белгиланган тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини аниқлаш бевосита диссертация кириш қисмининг муҳим бандларини шакллантиради. Умуман олганда, талаба ҳафталик амалий машғулот вазифаларини бажариш билан семестр якунигача диссертация кириш қисмининг асосий бандларини шак-

ллантиради. Бу билан ҳам амалий машғулот, ҳам биринчи оралиқ назорат, ҳам диссертациянинг тегишли қисмлари бажарилади.

Иккинчи оралиқ назоратнинг бажарилиши ҳам модулнинг мавзулари, амалий машғулот вазифаларининг муддатида бажарилишига асосланади. «Магистрлик диссертациясига қўйиладиган умумий талаблар» деб номланган 9-мавзу амалий машғулотида бўлган вазифаларнинг бажарилиши талабанинг тадқиқот мавзуси бўйича доктринал (тавсифий) мақола

2-жадвал. Илмий тадқиқот методологияси модули бўйича оралиқ назорат (ОН) ўтказиш тартиби

ОН	Балл (жами 30)	ОН вазифаси	Муддати	Бажариш шакли
1-ОН	20	Кичик илмий-иждодий иш ёзиш (диссертациянинг кириш қисмининг асосий бандлари асосида).	8-9 ҳафта	Ёзма. <i>Мустақил</i> .
2-ОН	10	Мавзу юзасидан тезис (ёки мақола) нашр эттириш.	Якуний назорат ҳафтасига	Нашр эттирилган мақола. <i>Мустақил</i> .

Изоҳ: ОН учун жами 50 балл ажратилган бўлиб, юқоридаги 30 баллдан ташқари 20 балл талабанинг амалий машғулотлардаги вазифаларни ўзлаштириши асосида қўйилади.

(ёки тезис) тайёрлаши учун етарли бўлади, деб айта оламиз. Чунки, масалан, 7-мавзу амалий машғулотида бажариладиган вазифа, яъни мавзуга оид (10 та илмий мақола, 10 та диссертация автореферати, 10 та монография, жами 30 та илмий иш) манбалар билан танишиш битта тавсифий мақола ёзиш учун етарли. Ҳар бир вазифани ўз вақтида бажарилиши ўқув самарадорлигини белгилайди, топшириқлар бир-бирини тақозо этади: биринчи вазифани бажармасдан иккинчи ёки учинчи вазифани сифатли бажариш имконсиз. Бу эса, талабанинг илмий мавзу юзасидан мунтазам изланиш олиб боришини талаб қилади.

Бир сўз билан айтганда, амалий машғулот вазифаларининг бажарилиши оралиқ назоратнинг бажарилишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ушбу вазифаларнинг самарадорлиги ОТМда ўқув жараёнининг ташкил этилиши, хусусан, магистрлик диссертацияси мавзуларининг ўз вақтида тасдиқланиши, кафедра томонидан бириктирилган илмий раҳбарларнинг магистрлар билан мунтазам ишлаши каби-ларга ҳам боғлиқлигини айтиб ўтиш лозим. Энг муҳими – талаба мустақил тадқиқот олиб бориш тажрибасига эга бўлади. Бу эса, маълум маънода магистрантларда таълимнинг кейинги босқичи – таянч докторантурада илмий тадқиқот олиб бориш, илмий мақолалар ҳамда PhD диссертациясини мустақил ёзиш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Модуль бўйича **Якуний назорат** ёзма шаклда ўтказилади. Унда белгиланган вақт давомида илмий тадқиқот методологияси, илмий фаолият билан боғлиқ муаммоли вазият – казус (1 та, 20 балл) ва модулнинг назарий мазмунига оид 2 та мантиқий саволга жавоб (15 баллдан 30 балл) ёзиш лозим. Якуний назорат учун 50 балл ажратилади.

Хулоса.

Талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар кўп. Биз ушбу тадқиқотда барча магистратура мутахассисликларига ўқитиладиган Илмий тадқиқот методологияси фанини лойиҳага асосланган ўқитиш билан ўзлаштириш воситасида тажриба-синовдан ўтказдик.

Шахсга йўналтирилган ўқув дастури асосида талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш қўйидагиларга боғлиқ:

- таълим дастури мазмуни;
- мослашувчан ўқув режа;
- фан дастури (силлабус) мазмуни;
- малакали профессор-ўқитувчи;
- талабчан ва изланувчан талаба.

Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтириш бўйича самарали метод ва ёндашувларни ўрганар эканмиз, бунда талабаларнинг таълимдан кутган умид ва эҳтиёжларининг қондирилиши ўқув дастурлари мазмуни, мавжуд таълим ресурслари, ўқитувчининг педагогик ёрдамидан қониқиш муҳим омили эканлиги қайд этилган¹. Илмий тадқиқот методологияси модулида қўлланилган методика самарадорлигини ошириш учун тажриба гуруҳи талабалар билан мунтазам Google Formsда сўровлар, суҳбатлар ва индивидуал фикр-мулоҳазалар алмашиш муҳити ташкил қилиш тавсия қилинади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз талабаларни тадқиқот олиб боришга йўналтиришда амалий машғулот вазифаларининг бажарилишига эътибор қаратдик. Натижада 1-жадвалда келтирилган мавзулар кесимидаги вазифаларни бажарилиши асосида талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожланганлиги кузатилди.

¹ 2015 Standards and guidelines for quality assurance in the european higher education area (esg) URL http://www.britishsounsil.org.ua/sites/default/files/standards-and-guidelines_for_qa_in_the_ehea_2015.pdf

Адабиётлар:

1. Abdous M. and He W. 2008 Journal of Interastive Learning Research 19 541–550.
2. Abdous, M. & He, W. (2008). A Design Framework for Syllabus Generator. Journal of Interastive Learning Researsh, 19(4), 541-550.
3. Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна. Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг долзарб масалалари. // "Замонавий таълим - Современное образование" илмий-амалий оммабоп журналі (Ўзбекистан), (2021). (5 (102)), 17-25.
4. Аллаярова С.Н. Талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришнинг инновацион механизмлари. Докторлик диссертация автореферати. – ТерДУ, 2023. -62 б. <https://library.ziyonet.uz/book/126574>
5. Davis H, Evans E and Hiskey M 2006 Journal of Higher Edusation Polisy and Management 28 231–244.
6. Elgren T., Hensel N. Undergraduate research experiyences: Synergiyes betweyen scholarship and teaching //Peer Reviyew. – 2006. – Т. 8. – №. 1. – S. 4-8.
7. Gregerman S.R., Lerner J.S., Hippel W., Jonides J. and Nagda B.A. 1998. Reviyew of Higher Edusation 22 55–72.
8. Harnish R.J. and Bridges K.R. 2011 Sotsial Psyshology of Edusation 14, 319–330.
9. Harrington, C.M., & Gabert-Quillen, C.A. (2015). Syllabus length and use of images: An empirisal investigation of student perseptions. Ssholarship of Teashing and Learning in Psyshology, 1(3), 235–243. <https://doi.org/10.1037/stl0000040>
10. Healey R.L. and Daviyes C. 2019. Higher Edusation Research and Development 38 1386–1400.
11. Lopatto D. Survey of Undergraduate Research Experiyences (SURE): first findings. Cell Biol Educ. 2004 Winter;3(4):270-7. doi: 10.1187/cbe.04-07-0045. PMID: 15592600; PMCID: PMC533131.
12. Motsshnig-Pitrik R., Santos A.M.The person sentered approash to teashing and learning as exemplified in a source in organizational development //Zeitsshrift für Hoshsshuldidaktik (ZHD). – 2006. – Т. 4. – №. 1..
13. Rishmond A.S., Morgan R.K., Slattery J.M., Mitshell N.G. and Cooper A.G. 2019 Teashing of Psyshology 46, 6–15.
14. Saragih S. and Napitupulu E. 2015. International Edusation Studiyes 8;
15. Shaw K., Holbrook A. and Bourke S. 2011. Studiyes in Higher Edusation 10 1–17.
16. Shmidt R.A., Jones P., Bennison D. and Daviyes B.J. 1994. Journal of Further and Higher Edusation 18 75–84.
17. 2015 Standards and guidelines for quality assuranse in the european higher edusation area (esg)URL
18. Vlasenko K., Chumak O., Sitak I., Kalashnykova T. and Ashkan V. 2020. Universal Journal of Edusational Research 8 362–370.;
19. Yarullin, I.F., Bushmeleva, N.A., & Tsykun, I.I. (2015). The Researsh Competense Development of Students Trained In Mathematiss Direstion. International Eletronis Journal of Mathematiss Edusation, 10(3), 137-146. <https://doi.org/10.29333/iejme/296>
20. <https://ste.psu.edu/teashing-learning/teashing-tips/student-sentered-syllabus>
21. https://www.unipage.net/ru/10290/the_manshester_metropolitan_university
22. http://www.britishsounsil.org.ua/sites/default/files/standards-and-guidelines_for_qa_in_the_ehea_2015.pdf